



20 йил "25" декабрь

№ 388

" " 20 г.

Меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 июндаги 08/1-1390-сон билан тасдиқланган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги 2014 йил 5 майдаги ЎРҚ-369-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар" режасида белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг иштирок этиши тартиби 1-иловага мувофиқ:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда жойлаштириш ва янгилаш тартиби 2-иловага мувофиқ;

Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти ҳақида ахборот олиш тўғрисидаги сўровларини кўриб чиқиш тартиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ҳайъат котиби ушбу буйруқнинг 1-иловаси, Агентликнинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари 2-3-иловалари билан тасдиқланган ахборотларни белгиланган тартибда тақдим этиб бориш учун масъул этиб белгилансинлар.

3. Умумий бўлим (Ғ.Бозоров) ушбу буйруқни тегишли ижрочиларга етказиш чораларини кўрсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор

А.Юнусов

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни
барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда жойлаштириш ва
янгилаш**

ТАРТИБИ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда жойлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборот мазкур орган фаолиятининг очиклигини таъминлаш мақсадида барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда жойлаштирилади.

3. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборот барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда қонун ҳужжатларининг хусусан ушбу Низомнинг талабларига мувофиқ жойлаштирилади.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда жойлаштиришда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг қоидалари инобатга олинади.

5. Жисмоний ёки юридик шахслар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда жойлаштирилган ахборотдан фойдаланувчилардир.

**II. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги
ахборотни барча кириши мумкин бўлган
хоналар ва жойларда жойлаштириш ва янгилаш**

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборот:
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги эгаллаб турган бинода:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш мумкин бўлган қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ажратилган жойларда жойлаштирилади.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ўзининг фаолияти тўғрисидаги жорий ахборот билан фойдаланувчиларни таништириш учун эгаллаб турган бинода ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ажратилган жойларда:

ахборот стендларини:

шундай мақсадга мўлжалланган бошқа техника воситаларини жойлаштирадилар.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда жойлаштирилган ахборотда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг иш тартиби, шу жумладан фуқароларни қабул қилиш тартиби:

фуқароларнинг муружаатларини кўриб чиқиш тартиби;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва тартиби:

қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот.

9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда жойлаштириладиган ўз фаолияти ҳақидаги ахборотнинг тўғрилигини таъминлаши шарт.

III. Ахборотни барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда жойлаштиришда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг асосий принциплари

10. Ахборотни барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда жойлаштиришда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги, ошқоралиги, очиқлиги ва тўғрилиги;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш, бериш ва тарқатиш эркинлиги;

фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига, уларнинг шаъни ва ишчанлик обрўси ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқларига, юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўси ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқларига риоя этиш.

IV. Қонунловчи қоидалар

11. Қонунда белгиланган давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни барча кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда жойлаштириш тақиқланади.

**Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
фаолияти хақида ахборот олиш тўғрисидаги сўровларини кўриб чиқиш
ТАРТИБИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти хақида ахборот олиш тўғрисидаги сўровларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили хақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ахборотдан фойдаланувчиларга Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этилиши хақидаги сўровлар билан Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида муурожаат этиш, шунингдек уларга давлат тилида жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг бошқа тилларда ҳам муурожаат этиш, давлат тилида жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади.

II. Муурожаатларни кўриб чиқиш

3. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этилиши хақида белгиланган тартибда берилган сўровлар албатта кўриб чиқилиши керак.

4. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этилиши хақидаги сўровларини кўриб чиқиш Агентликнинг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги раҳбарлари ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари бўйича тақдим этиладиган таҳлилий материалларнинг ва ўз фаолияти хақида ахборот тақдим этиш билан боғлиқ тадбирларга оид бошқа ахборотнинг сифати учун шахсан жавобгардир.

6. Ахборотдан фойдаланувчи Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти хақидаги сўров билан Агентликка ҳам бевосита, ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатлари расмийлаштириладиган ўз вакили орқали оғзаки ёки ёзма (шу жумладан электрон шаклда) муурожаат этиш ҳуқуқига эга.

7. Ахборотдан фойдаланувчининг сўрови, агар конун ҳужжатларида бошқача коида назарда тутилмаган бўлса, у рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн беш кундан ошмаган муддатда кўриб чиқилиши керак.

8. Оммавий ахборот воситасининг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисида ахборот олиш учун сўрови, шунингдек мансабдор шахслар билан суҳбат (интервью) ташкил этиш тўғрисидаги сўрови етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилади.

9. Агар сўров Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ваколатига тааллуқли бўлмаса, у сўровни рўйхатга олинган кундан эътиборан уч кун ичида сўралаётган ахборотни бериш қайси орган ваколатига киритилган бўлса, шу органга юборди ва бу ҳақда фойдаланувчини хабардор қилади.

10. Агар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги олинган сўров бўйича бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг ваколати ҳақида маълумотларга эга бўлмаса, унда сўров рўйхатга олинган кундан эътиборан уч кун ичида фойдаланувчига тегишли жавоб йўлланади.

11. Фойдаланувчининг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисида ахборот такдим этиш ҳақидаги сўрови рад этилган такдирда, фойдаланувчига рад этиш сабаблари асослангирилган ҳолда тегишли жавоб йўлланади.

12. Жисмоний шахсининг сўровида фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши, сўровнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Юридик шахсининг сўровида мазкур сўровни амалга ошираётган ташкилотнинг номи, юридик манзили, мансабдор шахсининг фамилияси ва исми-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилиши, сўровнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ахборотдан фойдаланувчининг юқорида кўрсатилган, шахсини билиш имкониятини берувчи маълумотларни ўз ичига олмаган сўров аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Сўров Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги номига ёки унинг сўровда кўйилган масалалар юзасидан ахборот бериш ваколатига қирадиган мансабдор шахси номига йўлланади.

Белгиланган тартибда берилган сўров кўриб чиқилиши шарт.

13. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги сўровларини кўриб чиқиш чоғида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда конуний манфаатларини камситувчи маълумотларнинг ошқор этилишига йўл қўйилмайди.

III. Фуқароларнинг ёзма муурожаатларини қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш

14. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари бўйича амалга ошириладиган иш юритиш Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ваколатли бўлинмаси (бундан буён матнда девонхона деб юритилади) томонидан иш юритишнинг бошқа турларидан алоҳида ҳамда. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида юритилади.

15. Ахборот фойдаланувчиларидан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти юзасидан тушадиган барча сўровлар девонхона томонидан қабул қилинади ва улар тушган куни махсус журналда рўйхатга олинади.

16. Ахборотдан фойдаланувчининг айна бир шахсдан ва айна ўша масала бўйича тушган сўрови, агар биринчи сўров берилган вақтдан эътиборан белгиланган сўровга жавоб бериш муддати ўтган бўлса ёки ахборотдан фойдаланувчи ўзига берилган жавобдан каноатланмаган бўлса, такрорий деб ҳисобланиши керак.

Такрорий сўровга у тушган пайтда навбатдаги рўйхатга олиш индекс берилади, рўйхатга олиш-назорат ёзувининг тегишли устунида "такрорий" деган белги қўйилади.

17. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисидаги ахборот олиш учун бевосита орган номига (яъни аниқ таркибий бўлинма ёки мансабдор шахс кўрсатилмаган ҳолда) йўлланган сўров Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги раҳбарига топширилади. Бошқа ҳолларда ҳужжатлар бевосита адресатга топширилади.

18. Сўровлар, раҳбарият томонидан кўриб чиқилганидан кейин, девонхона томонидан рўйхатга олиш-назорат карточкасига тегишли белги қўйилган ҳолда масъул ижрочиларга топширилади.

19. Агар ахборот олишга доир сўровни кўриб чиқиш бир неча шахсга топширилса, унда муносабат белгисида (резолюцияда) биринчи кўрсатилган мансабдор шахс масъул ижрочи ҳисобланади.

IV. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари ҳаракати ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиш

20. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этилиши юзасидан тушган барча сўровлари девонхона томонидан назоратга олинади.

21. Ахборот тақдим этиш ҳақидаги сўровларни кўриб чиқиш сўровни амалга ошираётган ахборотдан фойдаланувчига барча сўралаётган ахборот тақдим

этилганидан ва улар кўриб чиқиш учун топширик берган раҳбари назоратидан чиқарилгандан кейингина тугалланган деб ҳисобланади.

22. Ахборот такдим этиш ҳақидаги сўровларга жавоблар кўриб чиқиш учун топширик берган раҳбари томонидан ёки муносабат белгисига (резолюцияга) мувофиқ бунга ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан имзоланади.

23. Ахборот такдим этиш ҳақидаги сўровга оғзаки жавоб берилган ҳолларда рўйхатга олиш карточкасига тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

24. Кўриб чиқиш материаллари асосида масъул ижрочи ёки назоратчи амалга оширувчи шахс кўриб чиқиш натижалари ҳақида сўровни кўриб чиқиш ҳақида топширик берган раҳбарига назоратдан чиқариш учун маълумот беради.

Кўриб чиқишга доир барча материаллар тизимлаштириш ва архив ҳамда ахборот-кутубхона сақлашни ташкил этиш учун девонхонага топширилади.

V. Ахборотдан фойдаланувчиларни шахсан қабул қилиш

25. Ахборотдан фойдаланувчиларни Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қабул қилиш раҳбарлар, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек бу ишга ваколат берилган мансабдор шахслар томонидан белгиланган жадвалга мувофиқ кунлар ва соатларда амалга оширилади.

Ахборотдан фойдаланувчиларни қабул қилиш амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар махсус журналда қайд этиб борилади.

1 -Илова

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг очик
Хайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг
иштирок этиши тўғрисида
ТАРТИБ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу тартиб “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига асосан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг (бундан кейин матнда “Агентлик” деб юритилади) очик хайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш тартибини белгилайди.

2. Агентликнинг Хайъат мажлислари очик тарзда ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3. Агентликнинг очик хайъат мажлисларини ташкил этиш ҳамда унда ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратишга Хайъат котиби масъул ҳисобланади.

4. Агентликнинг очик хайъат мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

5. Агентликнинг очик хайъат мажлислари кун тартибининг лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақти Агентлик Бош директори томонидан тасдиқланади.

**II. Очик хайъат мажлиси ўтказиш тўғрисида ахборотдан
фойдаланувчиларни хабардор қилиш ва уларни қатнашишини ташкил
қилиш**

6. Агентликнинг расмий веб-сайтида ва ахборот стендида очик хайъат мажлиси кун тартиби лойиҳасини, шунингдек уни ўтказиш санаси вақти ва жойини кўрсатган ҳолда очик хайъат мажлиси ўтказиш кунидан камида беш (5) календар кун олдин эълон қилинади.

7. Ахборотдан фойдаланувчилар очик хайъат мажлисида иштирок этиш истагини билдирган тақдирда улар махсус журналда рўйхатдан ўтказилади.

8. Ташриф буюрувчи тўғрисидаги ахборотни қайд қилиш ва унинг

25

шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги очик ҳайъат мажлисида иштироки учун асос ҳисобланади.

9. Махсус журналдаги ёзув очик ҳайъат мажлисида иштирок этишни хоҳловчи:

Жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми яшаш манзили, телефон рақами;

Юридик шахснинг вакили учун – юридик шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, номи, шунингдек эгаллаб турган лавозими, юридик шахс манзили ва телефон рақамини ўз ичига олади.

Бошқа маълумотлар ёки ҳужжатларни тақдим этиш шарт эмас.

10. Очик ҳайъат мажлисида иштирок этиш истагини билдирган фойдаланувчиларни рўйхатга олиш Ҳайъат котиби томонидан (0-371) 244-23-80 телефон рақами орқали ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ келадиган бошқа алоқа воситалар орқали амалга оширилади.

11. Ташкилий-техник имкониятларидан келиб чиқиб очик ҳайъат мажлиси ўтказиш залида ташриф буюрувчилар учун жойлар тайёрланади.

III. Ташриф буюрувчиларнинг очик ҳайъат мажлисларида қатнашиш тартиби

12. Очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг қатнашиши очик ҳайъат мажлисларининг ўтказилишига халақит бермаслиги керак.

13. Очик ҳайъат мажлисларида қатнашиш тартиби бузилганда раислик қилувчи тартиб бузувчига танбеҳ беради, тартиб қайта бузилганда эса унинг мажлисдан четлаштиришга ҳақли.

14. Очик ҳайъат мажлисларида иштирок этувчи ташриф буюрувчиларга турли воситалар орқали фото, аудио ва видеоёзувга олишга рухсат берилмайди, Агентлик ҳузурида аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари вакиллари бундан мустасно.

15. Очик ҳайъат мажлисларида иштирок этувчи ташриф буюрувчилар хавсизлик ва жамоат тартибини сақлаш нуқтаи назаридан очик ҳайъат мажлисларига киришларидан олдин кўздан кечирилиши ҳамда уларнинг айрим буюмлари қайтариб бериш шарти билан вақтинча олиб қолиниши мумкин.

16. Очик ҳайъат мажлисларига қонун ҳужжатларига асосан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар киритилмайди.

17. Очик ҳайъат мажлиси бошланишига 5 дақиқа қолганда ташриф буюрувчилар киритилиши тўхтатилади.